

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮК ТАШИШ  
ШАРТНОМАСИ** DPP-273/036-22

“ 11 ” 02 2022 йил

Дехқонобод тумани

“Ўзкимёсаноат” АЖ қошида, \_\_\_\_\_ сонли ишончнома асосида иш юритувчи “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти номидан бошқарув раиси ўринбосари Б.Жонқўзиёв (бундан кейин “Буюртмачи” деб, номланади) бир томондан, шунингдек, Низом асосида иш юритувчи “Granit Qum Shag'al” МЧЖ (бундан кейин “Юк ташувчи” деб, номланади) бошлиги З.Джумаёв иккинчи томондан, бундан кейин “Томонлар” деб, номланади, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Юк ташувчи” самосвал юк автомашиналарида, тоғ-кон мажмуасидан қайта ишлаш мажмуасига суткалик 4375 тонна (оралик масофа 42 км) сильвинит рудаси ташиб келтиради ва ташиб келтирган юкнинг 80% дан кам бўлмаган миқдорида, 3500 тонна галитли қолдиқни қайта ишлаш мажмуасидан тоғ-кон мажмуасига ташиб олиб кетади.

1.2. “Буюртмачи” “Юк ташувчи”га мазкур шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган юкларни ўз вақтида ўз кучи билан ортиб беради ва ташилган юкларни ҳисобини олиб боради, бажарилган иш учун тўловларни белгиланган муддатларда амалга оширади.

1.3. Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган ташилаётган юк ҳажми суткалик миқдори тоғ-кон мажмуаси казиб чиқариш ҳажмига асосан ўзгариши мумкин ва “Буюртмачи” томонидан ташиш режаси ҳар ой бошида тасдиқланган график асосида “Юк ташувчи”га режаси тақдим этилиб борилади.

### 2. ЮК ТАШИШ ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” томонидан “Юк ташувчи”га тегишли автотранспорт воситаларини ваколатли ташкилот томонидан тасдиқланган ёнилғи меъёри асосида ёнилғи (сиқилган газ) билан таъминлайди.

2.2. Агар “Юк ташувчи” айби билан юк ўз вақтида ташилмай қолса, бой берилган фойдани ва келтирилган зарарни “Юк ташувчи” тўлиқ қоплаш мажбуриятини олади.

2.3. “Буюртмачи” томонидан тасдиқлаб берилган йўл варақалари ҳайдовчиларга юкни олиш-тушириш жойларига кириб бориш ҳуқуқини беради.

2.4. Йўл варақалари ушбу шартномада кўзда тутилмаган юклар ташиш учун тақдим қилинмайди, бу ҳолда мазкур шартномага қўшимча келишув тузилади.

2.5. Руда ва галитли қолдиқни ташиб бериш хизмати кўрсатган ташкилот кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасигача ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун буюртмачига тақдим қилади. Юкларни ташилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар буюртмачи томонидан тақдим қилинган юк хатлари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаси ва бошқа юк ташиш ҳужжатлари ҳисобланади. Бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома буюртмачининг қайта ишлаш мажмуасидаги автотарози ва бошқа қайд қилинадиган



журналлардаги маълумотлар билан солиштирилганидан кейин буюртмачининг тегишли мутахассислари томонидан имзоланади.

### 3.ЮК ТАШУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Руда ва қолдиқ маҳсулотни ташиб бериш хизматини амалга оширувчи ташкилот юк ташиш хизматларини амалга ошириш бўйича ваколатли органларнинг рухсатномаси ва/ёки лицензиясига эга бўлиши, юкларни ташишда тент мосламаси билан таъминланган бўлиши, автотранспорт воситалари техник жиҳатдан соз бўлиши, юкларнинг шу турини ташишга мос келиши, санитария, ҳаракат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси қоида талабларига тўлиқ жавоб бериши ва узлуксиз равишда юк ташиш ишларини бажаришга етарли миқдорда автомашина ишлаб туриши шарт.

3.2. Буюртмачининг талабномасига асосан, юкларни ташишда “Юк ташувчи” транспорт воситалари ҳайдовчилари буюртмачи томонидан ўтказиладиган тиббий кўриқдан ўтиши шарт.

3.3. Юкларни белгиланган манзилга тўла-тўқис етказиши, камомад ёки сифати бузилишига йўл қўйилган тақдирда етказилган зарар айбдордан ундирилади.

3.4. “Юк ташувчи” томонидан ёнилғи маҳсулоти сарфида белгиланган меъёрдан ортикча харажатга йўл қўйилган бўлса, “Юк ташувчи” томонидан “Буюртмачи”га ўрнатилган тартибда қоплаб беради.

3.5. Юкларни туширишда буюртмачи томонидан тайинланган масъул шахслар кўрсатмаларига амал қилади.

3.6. Ҳар бир автотранспорт воситасига тегишли малака ва тажрибага эга бўлган камида 3 та ҳайдовчилар бириктирилган бўлиши, хизматни амалга ошириш бўйича жамият ва шу хизматни амалга оширувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома амал қилиб турган даврда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳайдовчилари ҳар кунлик иш фаолиятини бошлашдан олдин ўрнатилган тартибда жамиятнинг тегишли биносида жойлашган тиббий хизматнинг тиббий кўригидан ўтиши шарт. Кун давомида узлуксиз, кунлик ҳаракатда бўлиши шарт КМдан ишлаб-чиқариш мажмуасига сильвинит рудасини ва ишлаб чиқаришдан чиққан хвост чиқиндисини ТКМга ташишни таъминлайди. ТКМда руда ишлаб чиқаришда узилишлар бўлганида ёки ТКМда таъмирлаш жараёнлари бўлганида маъсул шахс томонидан ёзма ёки оғзаки огоҳлантирилади.

3.7. Руда ташишга жалб қилинадиган автотранспорт воситаларининг ёқилғи сарфи меъёри ўрнатилган тартибда тегишли ваколатли органлар билан келишилган ва тасдиқланган бўлиши шарт.

Жалб қилинган барча автотранспорт воситаларига GPS-навигатор (GPS-трекер) тизими ўрнатилган бўлиши ҳамда бу тизим орқали барча зарурий маълумотларни буюртмачи он-лайн (on-line) режимида олиши учун хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан буюртмачига имконият яратиб берилиши шарт.

3.8. “Юк ташувчи” томонидан жалб қилинган автотранспорт воситасида техник носозлик кузатилганда ва бу носозликни 12 (ўн икки) соат ичида тузатишнинг имкони бўлмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи ташкилот бу транспорт воситасининг ўрнига бошқа транспорт воситасини ажратиши зарур. Шу билан бир вақтда хизмат кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартномани буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиш кўриб чиқилади.



- 3.9. Юк ташиш ишларига жалб қилинган хайдовчидар доимий равишда жамият ички тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилиши шарт. Жамият мулкани талон-тарож қилиш ҳолатлари кузатилганда шартномани “Буюртмачи” томонидан бир томонлама бекор қилиш.
- 3.10. “Юк ташувчи” хизматларни бажариш бўйича ишларни шахсан бажариши шарт.

#### **4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 4.1. Автотранспорт буюртмачининг ихтиёрига келганда юк ва унга тегишли ҳужжатлар тайёр бўлиши шарт.
- 4.2. Юкни ортиш ва тушириш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда автотранспортни шикастланмаслиги ва уларни бекор туриб қолмаслигини таъминлайди.
- 4.3 “Юк ташувчи”нинг транспорт воситаларига автогараж ҳудудидан фойдаланиш учун имконият яратиб беради.
- 4.4. Транспорт воситаларини иш билан таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда олдиндан уч кун муддат ичида алоқа тизими орқали ёки ёзма равишда юк ташувчига хабар беришни ўз зиммасига олади.

#### **5. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

- 5.1. Ушбу шартномада кўзда тутилган юклардан бошқа юкларни ташиш қўшимча қилишувлар асосида амалга оширилади.
- 5.2. Ушбу шартномада кўзда тутилган масалаларни ҳал этишда томонлар Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспортида юк ташиш Низоми қоидаларига амал қиладилар.

#### **6. БАЖАРИЛГАН ИШЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

- 6.1. “Буюртмачи” “Юк ташувчи”га ташиб келтирилган руданинг ҳар 1 (бир) тн/км юк учун ҚҚС билан 165 сўмдан тўлаб беради ва тескари йўналишда ташилган хвост тузи учун ҳам шу миқдорда пул тўловини амалга оширади.
- 6.2. “Буюртмачи” “Юк ташувчи” томонидан бажарган ишлари учун тўловларни ташилган юк хатлари, бажарилган ишлар далолатномаси ва бошқа юк ташиш ( завод автотарози кўрсаткичлари) ҳужжатларига асосан ун беш иш кунини амалга оширилади.
- 6.3. Шартнома суммаси ҚҚС билан бирга 3 274 425 000 (уч миллиард икки юз етмиш тўрт миллион тўрт юз йигирма беш минг) сўмни ташкил қилади.

#### **7. ТОМОНЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛАРИ**

7.1. “Буюртмачи” ёки “Юк ташувчи” ушбу шартномадаги шартларни бажармасалар ёки лозим даражада бажармасалар бой берилган фойда миқдорини тўлаб беради ва ҳар бир кечиктирилган кун учун келтирилган зарарнинг 0,5% миқдорида пеня тўлайдилар, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

7.2. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда “Томонлар” коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора олишда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. “Томонлар” ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

7.3. “Томонлар” коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (+9978-140-74-



48, 75-612-50-18) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.4 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

7.5. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш ушбу шартноманинг \_\_\_\_\_ бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. “Томонлар” ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агарда келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинмаса, у ҳолда низолар буюртмачи жойлашган ҳудуддаги туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

## 9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Енгиб бўлмас куч оқибатида шартнома шартлари бажарилмай қолган ҳолатларда (форс-мажор) “Томонлар” жавобгарликдан озод этиладилар, бу ҳолатни амалда мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқловчи механизмни амалга киритиш хақида”ги қарорга асосан белгиланади.

9.2. Шартнома шартларини бажариш юзасидан келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади.

## 10. ШАРТНОМА МУДДАТИ

10.1. Ушбу шартнома икки томонлама 2022 йил 01 январь санасидан бошлаб кучга киради ва шартнома 2022 йил 01 апрелгача амал қилади.

10.2. Ушбу шартнома 2(икки) нусхада тузилган, “Томонлар”га бир нусхадан берилган ва ҳар иккаласи ҳам бир хил ҳуқуқий кучга эга.

## “ТОМОНЛАР”НИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

АЖ «Дехқонобод калий заводи»  
Қашқадарё вилояти Дехқонобод р-н  
ОКЭД:180405  
МФО 00854, ИНН 206 887 857,  
р/с 2021 0000 9046 2044 3001 в региональный  
филиал АКБ «УзПСБ» в Кашқадарьинском  
области.

Бошқарув раиси ўринбосари

Б.Жонқўзиёв

### “ЮК ТАШУВЧИ”

“GRANIT QUM SHAG’AL” МЧЖ  
Тошкент ш. Миробод туман Афросиёб  
кўча 8/1 уй  
МФО 00837, ИНН 307519787  
р/с 2020 8000 3052 4647 0001  
Ипотека банк Юнусобод филиали

GRANIT QUM SHAG’AL” МЧЖ раҳбари

О.Тухтаев



## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 19944 на приобретение ДКЗ АЖ ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун автотранспортда юк ташиш

Способ проведения электронный

Дата 09.02.2022

Время рассмотрения 26.01.2022 11:37

Конкурсная комиссия , (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	Туракулов Рустам Одилович	Moliya va iqtisod bo'yicha boshqaruv raisi o'rinbosari	Dehqonobod kaliy zavod AJ
<b>Секретарь комиссии</b>	OSTONOV BAXTIYOR BARATOVICH	Етакчи иктисодчи	Дехқонобод калий завод
<b>Член комиссии</b>	MUXAMMADIYEV SHAVKAT YULDASHEVICH	Moddiy texnika ta'minoti bo'limi boshlig'i	"Dehqonobod kaliy zavodi" AJ
<b>Член комиссии</b>	CHORIYEV DILSHOD DAVLATOVICH	TNB Bo'lim boshlig'i	"Dehqonobod kaliy zavodi" AJ
<b>Член комиссии</b>	JUMAYEV SAMARIDDIN ZIYADULLAYEVICH	Bosh hisobchi	Dehqonobod kaliy zavod AJ
<b>Член комиссии</b>	ZARIPOV TO'LQIN ERGASHEVICH	Ishlab chiqarish bo'yicha direktor o'rinbosari - bo'lim boshlig'i	Dehqonobod kaliy zavod AJ
<b>Член комиссии</b>	UMAROV ALISHER ARIBJANOVICH	Бўлим бошлиғи	"Дехқонобод калий заводи" АЖ
<b>Член комиссии</b>	MEYLIYEV UKTAM ULASHEVICH	Комплеанс хизмати бошлиғи	"Дехқонобод калий заводи" АЖ
<b>Член комиссии</b>	XALTURAYEV SIRAJIDDIN XOLMAXMATOVICH	Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи	"Дехқонобод калий заводи" АЖ
<b>Член комиссии</b>	OSTANAKULOV ALISHER BUXAROVICH	Shartnoma majburiyatlarini bajarish va g'aznachilik bo'lim boshlig'i	"Dehqonobod kaliy zavodi" AJ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.02.2022 года № лота 19944.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. Балл: 0

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по перевозке грузов
Подробное описание	Дехқонобод калий заводи" АЖда 2022 йил биринчи чорак ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун автотранспортда юк ташиш хизмати
Количество товара	19 845 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	170.00
Стартовая сумма	3373 650 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 -Иштирокчи белгилангн суткалик иш хажмини сцзсиз бажариши шарт. -Мавжуд автотранспортларлар 35 донадан кам бўлмаслиги керак. - авторнаспортларнинг Ёқилғи меъри сарфи ваколатли органлар томонидан келишилган ва тасдиқланган бўлиши керак. -GPS навигатор тизими бўлиши керак (Online режимда) -Барча автотранспорт воситалари, ёнғинга қарши ускуналар аптечка билан жихозланган бўлиши керак - Руда ташишни амалга олувчи ташкилот ваколатли орган рухсатномаси ва лицензияси бўлиши керак. -Автотранспорт воситалар техник соз, санитария, харакат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси қоида-га жавоб бер.

Тип: Текстовое значение

Описание: -Иштирокчи белгилангн суткалик иш хажмини сцзсиз бажариши шарт. -Мавжуд автотранспортларлар 35 донадан кам бўлмаслиги керак. - авторнаспортларнинг Ёқилғи меъри сарфи ваколатли органлар томонидан келишилган ва тасдиқланган бўлиши керак. -GPS навигатор тизими бўлиши керак (Online режимда) -Барча автотранспорт воситалари, ёнғинга қарши ускуналар аптечка билан жихозланган бўлиши керак -Руда ташишни амалга олувчи ташкилот ваколатли орган рухсатномаси ва лицензияси бўлиши керак. -Автотранспорт воситалар техник соз, санитария, харакат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси қоида-га жавоб бер.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GRANIT QUM SHAG'AL	15	35 та ватотранспорт билан юк ташиш хизмати	14	Экспертная		
ООО NIONIL	15	35 та ватотранспорт билан юк ташиш хизмати	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО GRANIT QUM SHAG'AL	3 373 650 000.00	3 363 727 500.00	02.02.2022 10:37:28	100.00
ООО NIONIL	3 373 650 000.00	3 373 650 000.00	02.02.2022 10:52:10	99.71

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО GRANIT QUM SHAG'AL	Прошел	100	100
ООО NIONIL	Прошел	99.71	99.71

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 19944 от 09.02.2022 года на приобретение ДКЗ АЖ ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун автотранспортда юк ташиш определила победителем:

ООО GRANIT QUM SHAG'AL  
307519787

и резервный исполнитель: ООО NIONIL (203650972)



Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	OSTANAKULOV ALISHER BUXAROVICH	Согласен	
Член комиссии	MUXAMMADIYEV SHAVKAT YULDASHEVICH	Согласен	
Член комиссии	CHORIYEV DILSHOD DAVLATOVICH	Согласен	
Член комиссии	LUMAYEV SAMARIDDIN ZIYADULLAYEVICH	Воздержался	Иккинчи ташкилот НИОНИЛ МЧЖнинг бюджетдан карздорлиги тугисидаги маълумоти йуклиги учун
Член комиссии	ZARIPOV TO'LQIN ERGASHEVICH	Согласен	
Председатель комиссии	Туракулов Рустам Одирович	Согласен	
Член комиссии	MEYLIYEV UKTAM ULASHEVICH	Воздержался	Жами 2 та иштирокчидан бири яъни ООО "НИОНЛ" 10 номдаги хужжатдан фақат 4 тасини тақдим қилган. Гўеки номига қатнашган ва 1 нафар иштирокчи қолиб рақобат муҳити таъминланмаган.
Член комиссии	XALTURAYEV SIRAJIDDIN XOLMAXMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП